



## Тарвия куни ва ташриқ такбири

Зулҳижжа ойининг 8-кунига “Тарвия куни” дейилади. Шу кунни ҳожилар Маккадан Минога чиқишади.

“Тарвия” дейилишига сабаб ўша кунни ҳожилар Замзам сувидан қониб-қониб ичишларидир. “Тарвия” “тафаккур” маъносида ҳам қўлланади. Зулҳижжанинг саккизинчи кечасида Иброҳим алайҳиссалом тушларида ўғиллари Исмоил алайҳиссаломни қурбонлик қилаётганларини кўрадилар ва бу туш шайтонийми ёки раҳмоний дея ўша кунни тафаккур билан ўтказадилар. Шунга кўра, бу кун “Тарвия – тафаккур куни” дейилади. Арафа кечаси “Сенга буюрилган нарсани адо эт!” амри берилгач, бу тушнинг раҳмоний эканини англаб етадилар. Шунинг учун ҳам мазкур кун “арафа” (билмоқ) деб аталди. Бу Зулҳижжанинг 9-кунидир.

Қурбон ҳайити Иброҳим алайҳиссалом ҳамда ўғли Исмоил алайҳиссалом ва хотини Ҳожар онамизнинг нафс истаги, шайтон

васвасаси устидан қозонган ғалабалари сифатида тарихда қолган. Қурбон ҳайитини қиёматгача тарих саҳифасидан ўчмас, ҳаётимиздаги унутилмас воқеа сифатида нишонланади, иншоаллоҳ.

Динимиз Қурбон ҳайити кунини биз мусулмонларга баъзи вожиб ва суннат амалларни қилишни буюради. Жумладан, арафа кунининг бомдод намозидан бошлаб ҳайитнинг тўртинчи кунини аср намозигача, (жами 23 марта) ҳар бир фарз намоздан кейин ташриқ такбирини айтиш вожиб амаллардан ҳисобланади. Ташриқ такбири ушбудар:

**Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар! Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд!**

Ушбу такбирни хоҳ жамоат билан, хоҳ ёлғиз ўқилган ҳар бир фарз намозидан кейин айтамиз. Бундан ташқари, юрган, ўтирган пайтларда такбир айтишнинг зарари йўқ, балки мустаҳаб амалдир.

Арафа куни кечаси, яъни ҳайит кунига ўтар кечасини зикру тасбех

ва дуою истиғфор билан бедор ўтказиш мустаҳаб.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким Фитр кечасини ва Қурбонлик кечасини (савоб умидида) бедор ўтказса, қалблар ўладиган кун (охират)да унинг қалби ўлмас”,** дедилар (Имом Табароний ривояти).

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Арафа куни рўза тутиш ўзидан кейинги бир йилга ва олдинги бир йилга каффурат бўлади, деб Аллоҳ таолодан умид қиламан”,** дедилар (Имом Муслим ривояти).

Ҳайит кунининг тонгидан ғул қилиб, хушбўй атирлар сепиб ва энг гўзал, янги ёки тоза кийимларимизни кийиб намозгоҳга бориш, то ҳайит намози ўқилгунча ҳеч нарсаси эмаслик суннат амалдир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ҳайити куни бирор нарсаси емай намозгоҳга бормас ва Қурбон ҳайити куни токи ҳайит намозидан қайтгунларича ҳеч нарсаси емас эдилар.

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 5 июнь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Жазоир Республикасининг Ўзбекистондаги фавкулудда ва мухтор элчиси Бумедиан Геннадни қабул қилдилар.

✓ 6 июнь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Уйғун Ғофуров ва “Вақф” хайрия жамоат фонди бошқарув раҳбари вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Мирсодиқов Саудия Арабистони подшоҳлигининг Ўзбекистондаги элчиси Юсуф ал-Утайбий, подшоҳ Салмон номидаги ёрдам ва инсонпарварлик ишлари маркази делегацияси аъзолари билан учрашдилар.

✓ 6 июнь. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази тадқиқотчилари таржима қилган “Муснади Кеший” (Ҳадислар тўплами) асари нашрдан чиқди.

✓ 7 июнь. Тошкент шаҳридаги “Имом Бухорий” жоме масжиди имом-хатиби Яҳё домла Абдурахмонов иштирокида “Токио” жоме масжидида ватандошлар учун маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда фарзанд тарбияси, оила муқаддаслиги, қон-қариндошлик ришталари, ота-онага ҳамда яқинларига муносабат тўғрисида маъруза тингланди.

✓ 7 июнь. Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида илк бор “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” чоп этилди. 6 жылдан иборат изоҳли луғат Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси, Фанлар академияси ҳамда Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкорлигида тайёрланган.

✓ 11 июнь. Урганч шаҳри, Урганч ва Шовот туманларидан муборак ҳаж сафарига кетиш арафасидаги аёл-қизлар билан ҳаж сафарига оид суҳбат бўлиб ўтди. Унда Диний идора мутахассиси Мунира Абубакирова қатнашиб, мавзу юзасидан маъруза қилди.

✓ Яқинда Индонезия сайёҳлик фирмалари ширкати вакиллари Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат ҳафталигини амалга оширди. Шу кунга қадар Тошкент, Бухоро ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойларида бўлган меҳмонлар Ҳазрати Имом мажмуасига ҳам ташриф буюришди.

### Яхшиликка чақириш

## Аҳдга вафо – мардлар иши

Ваъдага вафо – саҳий кишилар иши. Аҳд инсоннинг ўзига ёки ўзга берган қатъий бир сўзидир. Агар ваъда рухсори вафо ҳоли билан безалса, ваъдасига содиқ инсондан ҳеч бир кишининг кўнгли қолмайди. Аллоҳ таоло буюради: **«Эй иймон келтирганлар! Битимлар (аҳдлар)га вафо қилингиз!»** (Моид сураси, 1-оят), **«Эй Исроил авлоди, сизларга инъом этган неъматимни эслангиз, (сиздан олган) аҳд-имга вафо қилингиз, токи сизлар Менга берган аҳдингизга вафо қилай ва Мендангина қўрқингиз!»** (Бақара сураси, 40-оят).

Анас розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Набий алайҳиссалом: **“Аҳди йўқ кишининг дини йўқдир”,** деганлар (Имом Аҳмад ривояти).

Кунларнинг бирида Исмоил алайҳиссалом яқин дўсти билан сафарга чиқишди. Бир уйнинг олдига етганларида дўсти: “Эй Исмоил, бу уй меники. Агар ҳамроҳлигимни ҳурмат қилсангиз, менинг бу уйда биров ишим бор. Мен ишимни битириб чиққунча, сиз шу ерда кутиб турсангиз”, деди.

Исмоил алайҳиссалом бу сўзни қабул қилиб, ташқарида қолдилар.

У киши уйга кириб, айтган ишини саранжом қилиб, ҳазрат Исмоил алайҳиссаломни эсдан чиқариб қўйди. У уйнинг бошқа тарафидаги эшигидан чиқиб, йўлга равона бўлди. Уч кун ўтгач, у аввалги тарафдан яна уйга келди. Не кўз билан қарасаки, ҳазрат Исмоил алайҳиссалом уй эшиги олдида интизор ўтирибдилар.

– Жаннат дарахтининг меваси ва миллат отасининг ўғли, бу ерда нима учун ўтирибсиз? – сўради у.

– Сизни кутиб ўтирибман, – дедилар Исмоил алайҳиссалом.



# Аср вабосига ҳеч ким асир тушмасин

“Икки неъмат борки, кўпчилик унинг қадрига етмайди: саломатлик ва хотиржамлик” (Имом Бухорий ривояти).

Гиёҳвандлик балосига қарши олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай, бу иллат бутун Ер юзи бўйлаб аср вабоси сифатида кенг тарқалиб бормоқда.

Гиёҳвандликнинг моддий, маънавий, тиббий зарарлари тўғрисида дунё оммавий ахборот воситалари орқали кўпдан-кўп маълумотлар берилмоқда. Кўп мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам унга қарши қатор халқаро анжуманлар ўтказилди. Лекин бу офат ҳануз ўз ишини қилиб келяпти. Минг афсус, аср вабоси саналмиш гиёҳванд моддаларни мўмин-мусулмон бўлса-да, нафсига қул инсонлар томонидан истемол қилиниши, уни тарқатиб моддий даромад орттирилиши ҳамон давом этаётгани жуда ачинарлидир. Чунки жуда кўплаб ёшлар унинг қурбони бўлаётир.

Бу офат домига тушиб қолганлар орасида мактаб ўқувчилари, талабалар, шунингдек, аёллар ҳам бор. Улар дунёга келтираётган мажруҳ, ногирон болаларнинг мунгли нигоҳи, ачинарли ҳолати қўрқмас юракларни ҳам ларзага солади.

Инсон ҳаётда ўзининг сиҳат-саломатлигини сақлаши, бетоблик аён бўлса, уни дори-дармонлар билан муолажа қилиб даволаниши, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш йўлида зарур чора-тадбирларни қўллаши муҳим ҳисобланади.

Доно халқимиз **“Тани соғлиқ – туман бойлик”** деб бекорга айтмаган. Ақл-идрок соҳиби бўлган инсон ўзига берилган ҳаётни ғанимат билиб, унга муносиб равишда муомала қилишга буюрилган.

Юртимизда инсон саломатлиги, ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган гиёҳвандликка қарши кураш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари, мактаб, олий ўқув юртлари, маҳаллаларнинг ўзаро ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутмоқда. Гиёҳвандликнинг олдини олишда маҳалла, мактаб, касб-хунар ва олий ўқув юртларида тарғибот-ташвиқот

ишлари изчил олиб борилмоқда. Мутахассис олимларнинг таъкидлашича, гиёҳвандликка ружу қўйган кимса қандай йўл билан бўлса-да, оғуни харид қилиш учун пул топишга киришади. Шу боис, ўғирликка, бировнинг молини талаш, йўлтўсарлик, фирибгарлик, ҳатто қотиллик каби жиноятларга қўл уради.

Ислом дини инсонга зарар келтирувчи ҳар қандай нарсаларни, айниқса, энг муқаррам саналмиш ақлни кетказувчи ёки уни заифлаштирувчи ҳар қандай нарсани ҳаром деб ҳисоблайди. Шунингдек, у инсон соғлигининг кетишига ёки унинг ҳалокатига сабаб бўлувчи воситалардан чекланишга буюрилади. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаммасига умумий қилиб: **“Ҳар қандай маст қилувчи ва баданни бўшаштирувчи нарсалар ҳаром”**, деб асосий қоидалардан бири баён қилиб берганлар.

Бутун жаҳонда **26 июнь – Халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш кун**и деб эълон қилинган. Бу кунда барча инсонларни бу иллатнинг салбий оқибатларидан огоҳ этиш, башарият ривожининг кушандаси

бўлмиш бу захри қотилга бутун халқимиз бирлашиб курашувига эришиш ҳамда ана шу оғу асирга айланаётган кимсаларни шундай жирканч ишлардан тийилишларига ундаш йўли билан жамиятнинг бу иллатдан бутунлай фориғ бўлишига эришиш лозим.

Хулоса қилиб айтсак, бундай ҳалокатли йўлда юрган кимсалар инсонийлик қиёфасини бутунлай йўқотадди, ўзининг олижаноблик мақомидан айрилади, руҳан носоғлом бўлиб қолади, касб-хунаридан ҳам маҳрум бўлади. Оиласи бузилади, фарзандлари тирик етим бўлиб қолади. Энг ачинарлиси, гиёҳвандлик ҳолати ҳар қанча даволанганидан кейин ҳам яна қайталаниши мумкин.

Халқимизни ва келажак авлодни гиёҳвандлик офатидан асраш ҳамда моддий ва маънавий баркамоллик сари йўналтириш, аср вабосига ҳеч кимнинг асир бўлмаслигини таъминлашдек хайрли ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

**Муҳаммадбобур ЮЛДАШЕВ,**  
Дин ишлари бўйича қўмита бош мутахассиси

## Динимизни ўрганамиз

# Солиҳ амаллар хайрга буркайди

Анас ибн Молик розияллоху анхундан ривоят қилинади: **“Вафот этган кишини қабргача уч нарса – оиласи, моли ва амали таъқиб этади. Иккитаси ортга қайтади, биттаси у билан қолади. Оиласи ва моли ортга қайтади, амали эса (у билан) қолади”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Ҳадиси шариф хабарига кўра, инсон вафотидан сўнг яхши ва ёмон амаллари қабрда у билан бирга қолади.

Аллоҳ азза ва жаллага, Расулига, Расули етказган нарсаларга имон келтириш, фақат Аллоҳ таолога қуллик қилиш, хушхулқлик, саховат, атрофидагиларга яхшилик қилиш кабилар яхши амаллар ҳисобланади.

Инсонларга зарар етказиш, Аллоҳ таоло тақиқлаган ишлар ёмон амал ҳисобланади. Ёмон амал учун жазо, яхши амал учун эса, савоб берилади.

Аллоҳ азза ва жалла марҳамат қилади: **“Кимки зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрар”** (Залзала сураси, 8-оят). Мўмин киши ёмон амаллардан тийилиши, солиҳ амалларни кўп ва доимо қилиши лозим.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Ҳар бир яхшилик садақадир”** (Имом Бухорий ривояти). **“Аллоҳ таоло сизлардан**

**бирингизни бир иш қилса, уни мукаммал адо этишини яхши кўради”** (Имом Байҳақий ривояти). Ояти каримада марҳамат қилинади: **“На молларингиз ва на фарзандларингиз сизларни Бизнинг даргоҳимизга яқин қилувчи эмасдир. Фақат имон келтирган ва солиҳ амал қилган зотлар – айнан ўшаларгагина қилган амаллари сабабли неча баробар мукофот бордир ва улар (жаннатдаги) кўшкларда осойишталикда бўлурлар”** (Сабаъ сураси, 37-оят).

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **“Аллоҳ азза ва жалла сизнинг суратларингиз ва молларингизга қарамайди, қалбларингиз ва амалларингизга қарайди”** (Имом Муслим ривояти).

Дунёда бало-офатлардан, охирада оташ азобидан омон бўлишимиз учун яхши, солиҳ амалларимизни кўпайтиришимиз лозим. Фоний дунё ташвишларига берилиб, абадий маконимизда бизга нажот берадиган хайрли ишларни ортга сурмаслигимиз керак.

Унутмаслигимиз лозим, бу дунёда мусулмоннинг Аллоҳнинг розилиги йўлида сарфлайдиган ҳалол мол-мулки бўлиши зарур. Инсон зақот ва садақа беришга шошилмаса ёки уларни беришда “қўли титраса”, бу унинг мол-дунёга ортикчи ҳирс кўйганидан далолатдир.

Халқимизда бундай мақол бор: “Кафаннинг чўнтаги йўқ!” Бу инсон қанчалик бой бўлмасин, вафот этгач, ўзи билан ҳеч нима олиб кетолмайди, деганидир.

Ўлим бизга бу ҳаётнинг ўткинчилигини, бир кун қўлимиздаги ҳамма бойлиқдан ажралишимизни эслатади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчидир. Қиёмат кунда, албатта, мукофотларингиз сизларга тўлатўқис берилур. Бас, (ўша кун) ким дўзахдан узоқлаштирилиб, жаннатга киритилса, демак, у (катта) ютуққа эга бўлибди. Бу дунё ҳаёти эса фақат ғурур (алдов) матоҳидир”** (Оли Имрон сураси, 185-оят). **“Билингизки, бу дунё ҳаёти фақат ўйин, беҳудалик, зийнат, ўзаро фахрланиш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдан иборатдир. (У) бамисоли бир ёмғирки, унинг (сабабидан униб чиққан) гиёҳ кофирларни таажжубга солур. Сўнгра у қуригач, уни сарғайган ҳолда кўрасиз. Сўнгра у ўтин бўлиб қолур. Охиратда эса (қай бирларингиз учун) қаттиқ азоб (қай бирларингиз учун) Аллоҳ томонидан мағфират ва ризолик бордир. Дунё ҳаёти фақат алдов матоҳидир”** (Ҳадиид сураси, 20-оят).

Набий алайҳиссалом бундай дедилар: **“Ҳар бир вафот этган киши**

**албатта пушаймон бўлади”**. Саҳобалар у зотдан сўрадилар: **“Нега пушаймон бўлади, эй Аллоҳнинг расули?!”** Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай жавоб бердилар: **“Яхшилик қилган киши тириклик чоғида янада кўпроқ яхшилик қилмаганига, ёмонлик қилган киши эса ёмонликни тарк этмаганига пушаймон бўлади”** (Имом Термизий ривояти).

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Эй имон келтирганлар! Аллоҳдан кўрқингиз ва (ҳар бир) жон (эгаси) эртанги кун (қиёмат) учун нимани (қандай амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан кўрқингиз! Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир”** (Ҳашр сураси, 18-оят). Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **“Ақлли – ўзини сарҳисоб қилиб, охират учун амал қилган кишидир. Ожиз эса ўз орзу-истакларига эргашиб, Аллоҳнинг раҳматидан умид қилгандир”** (Имом Термизий ривояти).

Хулоса шуки, бизни боқий дунё саодатига етаклайдиган ягона сармоямиз яхши, солиҳ амалдир. Фоний дунёнинг алдамчи матоҳларига андармон бўлмай, оқибатни хайрга буркайдиган яхши амалларни кўпайтириш ҳар бир мўминнинг “ташвиши” бўлиши зарур.

**Нигора МИРЗАЕВА тайёрлади.**



Масала

## Ҳаж ва умрага доир фатволар

### 588-ФАТВО

Ҳажнинг одоблари — ҳажга отланган одам аввало қарзларини адо этиб қўйсин. Ҳажга бориш хусусида ақлли, доно кишиларга маслаҳат солсин. Истихора қилса, янада яхши. Сўнгра тавба-тазарру билан ниятни холис қилсин. Бировнинг омонати бўлса, эгасига топширсин. Рози-ризалик сўрасин. Намоз ва рўзаларининг қазоси бўлса, адо этсин. Хато ва камчиликлари учун надомат чекиб, қайта такрорла-масликка азму қарор қилсин. Фахрланиш, риёкорлик, макта-нишдан сақлансин. Ҳалолдан йиққан пулига ҳажга боришга ҳаракат қилсин. Ўзининг пули-дан шубҳаси бўлса, бировдан қарз олиб ҳаж қилсин ва ўз пу-лини қарзига тўласин.

“Оламгирия”, “Фатҳул Қадир”,  
“Қозихон”

### 589-ФАТВО

Ҳажда, модомики, эҳромда экан, беҳуда, фаҳш сўзлардан, фиску фужур ишлардан, жан-жалу низолардан, ов қилиш-дан, хушбўй нарсалар сепиш, тирноқ олиш, юзини ёпиш, бош кийим кийиш, бошни шампун билан ювиш, соч олдириш ёки қисқартириш, тикилган кийим, салла кийиш, пойабзал кийиб юриш кабилардан сақланиш вожибдир. Чўмилиш, салқин жойда дам олиш, белига ҳамён боғлаш каби ишлар жоиз.

“Мухтасарул Виқоя”

### 590-ФАТВО

Ота-онадан бири розилик бермаса, ҳажга бориш мак-руҳ. Аммо улар фарзанднинг хизматига муҳтож бўлмаса-лар, ҳажга боришнинг зарари йўқ. Ота-она йўқлигида бобо ва момолар уларнинг ҳукми-дадирлар. Шунингдек, на-фақасига муҳтож хотини, бо-лалари, қариндошлари унинг ҳажга боришини ёқтирмаса-лар ҳам, бориб-келгунича мод-дий жиҳатдан қийналиб қол-масликларига ақли етса, ҳаж-га равона бўлиши жоиз. Ота соқоли чиқмаган ўғлини ҳаж-га юборишга рози бўлмасли-ги мумкин. Аммо фарз бўлган ҳажнинг адоси ота итоатидан авло. Отага итоат қилиш нафл бўлган ҳаждан авлодир.

“Оламгирия”, “Муҳит”

5-бетда

# Тўғри йўл кўрсатиш ва таълим беришда мукаммал йўл тутишлари\*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таълим бериш услубларидан яна бири кўз-га кўриниб, юз бериб турган бирор воқеанинг суратини зеҳндаги ил-мий суратга кўчириш бўлган, яъни у зот иймон, одоб-ахлоқ ва ҳаёт йўл-ларига тегишли масалаларни воқе-ликдаги мисоллар билан тушунти-риб берганлар.

Бу услуб илмий-назарий асос-ларни тушуниш ва тушунтирилаёт-ган одамнинг онгида яхши тушун-ча ҳосил бўлиши учун энг яхши йўл ҳисобланади. Жаноби Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу услубларига қуйидаги воқеа мисол бўла олади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асирлар орасида бир аёлни кўрдилар. Аёл ўзининг асир-лигини ҳам унутиб, боласининг ке-тидан югурди. Боласини қўлига олиб, унга кўкрагини тутди. Гўдак эма бошлагач, она хотиржам бўл-ди. Гўё унга ҳеч нарса бўлмаган-дек, яъни асирга тушмагандек эди. Расули акрам: **“Бу онанинг боласи-га меҳрибонлигини ёки боласига хур-санд бўлганини кўрдингларми?”** де-дилар. Саҳобалар: “Ҳа”, дейишди. **“Аллоҳ бандасига раҳмлироқдир ёки (Аллоҳ таоло) бу она боласига хур-санд бўлгандан кўра бандасининг тавбасига кўпроқ хурсанд бўлади”**, дедилар.

Жобир розияллоҳу анхудан ри-воят қилинади: «Расулulloҳ солла-лоҳу алайҳи ва саллам ўлиб ётган улоқчанинг ёнидан ўтдилар. Унинг қулоғидан ушлаб: **“Ким бунинг бир дирҳам эвазига ўзиники бўлишини хоҳлайди?”** дедилар. Саҳобалар: “Бирон нарса эвазига бўлишини хоҳламаймиз. Уни нима қиламиз?!” дейишди. У зот: **“У сизларники бўлиб қолишини истайсизларми** (яъни ҳеч

\* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.



нарсаси бермасдан)?” дедилар. Саҳоба-лар: “Аллоҳга қасамки, тирик бўл-ганда ҳам, қулоғининг кичиклиги айб ҳисобланар эди. У ўлимти-ку?” дейишди. Шунда Набий алайҳис-салом: **“Аллоҳга қасамки, бу сизлар учун қанчалик арзимас бўлса, дунё Аллоҳ таоло учун (бундан-да) арзи-масроқдир”**, дедилар» (Имом Му-слим ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алай-ҳи ва саллам дунёнинг қиймати ва ҳақиқатини баён қилишда ўлиб ётган, нуқсонли бор улоқдан ми-сол сифатида фойдаландилар. Ду-нённинг неъматлари азоб тортиш-га, очкўзлик қилишга, бировга ҳа-сад қилишга ва бир-бирини ёмон кўришга арзимамайди. Набий алай-ҳиссалом кўзга кўринмайдиган, лекин ҳар бир инсон билиши ло-зим бўлган ҳақиқатни кўзга кўри-ниб турган нарса — улоқча мисоли-да тушунтирдилар.

Набий алайҳиссалом: **“Ким ин-сонлардан (бойлик тўплаш учун) сўра-са, чўё сўраган бўлади. (Хоҳласа,) кам сўрасин ёки (хоҳласа,) кўп сўрасин”**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Бойлик тўплаш мақса-дида одамлардан бойлик сўрайдиган киши аслини олган-да чўё сўрагани йўқ. Лекин қил-ган ишининг оқибати қиёматда чўё бўлиб қайтади. Сарвари олам бу ҳақиқатни эшитган одам ҳис қилиши учун осон шаклда тушун-тирдилар. Бу усулда тушунтири-шлари шундай ишлар қилади-ган инсонларга қаттиқ огоҳлан-тириш ва кўрқитиш бўлади. Де-мак, бир киши бойлик орттириш мақсадида тиланчилик қилаёт-ган бўлса, унга қўлига олов уш-лаётганини тасаввур қилдириш орқали бу ишдан қайтариш иро-да қилинган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир саҳобанинг қўлига тилла узук тақиб олганини кўриб: **“Бирингиз жаҳаннамнинг чўёини қўлига тақиб олибди”**, дедилар.

Тилла ва кумуш идишларда таом еяётган кишиларни кўриб: **“Ким тилла ва кумуш идишда ичимлик ичса, қорнига жаҳан-намдан олов киритур”**, дедилар.

Намозда амалларни имомдан олдин бажарадиган киши ҳақи-да: **“Унинг юзи эшакнинг юзи ка-бидир, Аллоҳ сақласин”**, дедилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Ра-сулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва сал-лам: **“Сизлардан бирингиз уйига қайтганида ҳовлисида учта кат-та, семиз бўғоз туя топишни ис-тайдими?”** дедилар. Биз: “Ҳа”, де-дик. У зот: **“Киши намозда ўқи-ган уч оят унинг учун учта кат-та, семиз бўғоз туядан яхшироқ”**, дедилар».

Саййид Муҳаммад Ҳасанийнинг  
“Икки олам сарвари” асаридан  
Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ  
таржимаси

## Яхшиликка чақириш

# Аҳдга вафо — мардлар иши

1-бетда

— Чиқиб кетганимни билиб, нима учун туриб кетмадингиз?

— Сизни шу ерда кутишга ваъда бергандим. Уни бузишни ўзимга раво кўрмадим. Агар йиллар ўт-са-да, то келмагунингизча шу ерда кутиб турардим.

Аллоҳ таоло Исмоил алайҳисса-ломни ўз каломида мадҳ этиб ай-тади: «(Эй Муҳаммад,) **Китобда Исмоил** (қиссасини) **ёд этинг!** Дарҳақиқат, у ваъдасида содиқ

турувчи набий ва расул эди» (Мар-ям сураси, 54-оят).

Шоир айтади:

Жаҳд айлаб топмаиш аҳли назар,  
Олам ичра аҳддин яхшироқ ҳунар.

Яъни: аҳли назар — оқил, доно кишилар ҳар қанча ҳаракат қи-лишмасин, барибир оламда ваъ-дага вафо қилишдан кўра яхшироқ иш-амал топа олишмайди.

Аллоҳ таоло мўминлардаги бир сифатни алоҳида мадҳ этади: **“Улар**

(мўминлар) (одамларнинг берган) **омонатларига ва (ўзаро боғлаган) аҳд-паймонларига риоя этувчи-дирлар”** (Муъминун сураси, 8-оят).

Аллоҳ таоло барчамизни ваъда-сига содиқ бандаларидан қилсин!

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг  
“Ахлоқи муҳсиний” китоби асосида  
Фаргона тумани “Эрматбой”  
жоме масжиди имом-хатиби  
Иброҳимжон ЮСУПОВ тайёрлади.



# Оятларда келган “фитна” сўзининг маънолари



“Фитна” сўзи Куръони каримда бир неча маъноларда келади:

**Синов, имтиҳон** маъносида: «Одамлар: “Иймон келтирдик”, дейишлари билангина, синалманган ҳолларида қолдириладилар, деб ўйладиларми?!» (Анкабут сураси, 2-оят). Оятдаги “Лаа юфтануун” сўзи имтиҳон, синов маъносида келмоқда.

**Тўғри йўлдан тўсиш** маъносида: «Улар орасида Аллоҳ нозил этган нарса ила ҳукм юрит. Уларнинг ҳавойи нафсларига эргашма ва улар сени Аллоҳ сенга нозил қилган нарсада фитнага солишларидан ҳазир бўлинг!..» (Моид сураси, 49-оят). Имом Куртубий ояти каримадаги “ан яфтинука” сўзини “сени йўлдан тўсадилар”, деб тафсир қилган.

**Азоб** маъносида: «Сўнгра, албатта, Раббингиз, фитна (азоб) ларга дучор бўлганларидан кейин (Мадинага) ҳижрат қилган, сўнгра (Аллоҳ йўлида) жиҳод қилиб, (машаққатларга) сабр қилганлар учун, албатта, Раббингиз

шулардан кейин (уларни) мағфират қилувчи ва раҳм этувчидир» (Наҳл сураси, 110-оят).

Оятдаги “футину” сўзи “уззибу”, яъни азобланганлар маъносида келган.

**Ширк** маъносида. «Фитна босилиб, бутун дин Аллоҳ учун бўлгунга қадар, улар билан урушингиз! Бас, агар (урушишдан) тинсалар, у ҳолда золимлардан бошқага нисбатан адоват қилиш (Исломда) йўқ» (Бақара сураси, 193-оят). Ибн Касир оятдаги “фитна” сўзини “ширк” деб тафсир қилган.

**Куфр** маъносида: «...Аммо дилларида оғиш бор кимсалар одамларни фитнага солиш ва ўз талқинига мувофиқ маънолар бериш учун унинг (Куръоннинг) муташобих оятларига эргашадилар...» (Оли Имрон, 7-оят).

**Ғуноҳ-маъсият** маъносида: «Улар (мўминларга): “Биз (дунёда) сизлар билан бирга эмасмидик”, деб нидо қилганларида, (мўминлар) дерлар: “Ҳа, лекин сизлар ўзингизни фитнага солдингиз ва (бизга мусибат етишига) кўз тутдингиз ҳамда (динимиз тўғрисида) шубҳаландингиз ва то Аллоҳнинг амри (ўлим) келгунича хом ҳаёллар сизларни алдади. Сизларни Аллоҳ ҳақида алдовчи (шайтон) ҳам алдаб қўйди» (Ҳадид сураси, 14-оят). Имом Бағавий оятдаги “фатантум анфусакум” жумласини “Ўзларингизни нифоққа ташладингиз ва шаҳват-маъсиятларни қилиш билан ҳалок қилдингиз”, деб тафсир қилган.

**Қатл қилиш ва асир олиш** маъносида: «...Агар кофирларнинг

сизларга фитна (ҳужум) қилишидан қўрқсангиз...» (Нисо сураси, 101-оят). Бундан мурод, мўминлар саждада турганларида кофирларнинг уларни қатл қилиш ёки асир олиш учун ҳамла қилишларидир. Ибн Жарир: “Агар куфр келтирганлар сизларни ўлдириш ёки асирга олишидан қўрқсангиз”, деб тафсир қилган.

**Жунун**, яъни **жиннилик** маъносида: «...Қайси бирингиз (сизми ёки уларми) мафтун (мажнун) эканингизни» (Қалам сураси, 6-оят).

Олов билан ёндириш: «Албатта, мўмин ва мўминаларни фитнага солиб, сўнгра тавба қилмаган кимсаларга жаҳаннам азоби ва ана ўшалар учун ўт азоби бордир» (Буруж сураси, 10-оят).

**Залолат** маъносида: «...Кимники Аллоҳ фитналантиришни истаса, сиз унинг учун Аллоҳдан ҳеч нарсага эга бўла олмайсиз...» (Моид сураси, 41-оят). Абу Ҳайён: «Бу оятдаги фитна сўзи “залолатга кетиш” маъносида келган», деган.

**Хужжат** ва **узр** маъносида: «Сўнгра уларнинг фитнаси (узри) фақат: “Раббимиз бўлмиш Аллоҳга қасамки, (биз) мушрик бўлмаганмиз!” дейишлари бўлур» (Анъом сураси, 23-оят).

**Бало-офат** маъносида: «(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш тутадиган кимсалар ўзларига бирор кулфат етиб қолишидан ёки алам-ли азоб етиб қолишидан сақлансинлар!» (Нур сураси, 63-оят).

**Касаллик, дард** маъносида: «Кўрмайдиларми, (улар) ҳар йили бир ёки икки марта синов (дард-бало) га учрамоқдалар. (Шундан) сўнгра

(ҳам) на тавба қиладилар ва на эслатма оладилар» (Тавба сураси, 126-оят).

Ибн Ҳажар раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Фитна сўзидан нима ирода қилингани каломнинг сиёқи ва унинг қариналаридан билинади”. “Зодул маод”да бундай дейилади: “Уларни мана шундай бир-бирига фитна қилдик” ёки оятдаги Мусо алайҳиссаломнинг “Бу сенинг фитнангдир. У билан хоҳлаган кишингни адаштирасан ва хоҳлаган кишингни ҳидоят қиласан” деган сўзи каби Аллоҳ таоло Ўзига ёки Аллоҳнинг Расули Унга боғлаган фитна бошқа маънодадир. Бу Аллоҳ таоло бандаларини яхшилик ва ёмонлик, неъмат ва мусибат билан имтиҳон қилиши маъносидадир. Мушрикларнинг фитнаси бошқа, турли. мўминларнинг фитнаси бошқа бўлади.

Айтиб ўтилганидек, бало-мусибат, ўлдириш, азоб каби ишлардан бўладиган фитналар Аллоҳ таолодан ҳам, бандадан ҳам бўлиши мумкин. Банда ана шу нозик нуқтада билиши лозим. Аллоҳнинг синов тариқасида берган фитнаси илоҳий ҳикматга йўғрилган бўлади. Банда тарафидан келгани эса маломатга сабаб бўлиши мумкин. «Фитна қотилликдан ҳам ёмондир» (Бақара сураси, 191-оят) дея Аллоҳ таоло бизларни огоҳлантирган фитна мана шу! Аллоҳ бизларни, аҳли оиламизни, иймонимизни бундай фитналардан омон сақласин!

Шермуҳаммад БОЛТАЕВ,  
Хоразм вилояти Шовот туманидаги  
“Юсуф Ҳамадоний” жоме масжиди  
имом-хатиби

Ёмонликдан қайтариш

## Тижоратда хиёнатнинг оқибати ёмон

Подшоҳ вазирини чақириб, бозордан шикоят борлигини айтиб, тартибга солишни топширди. Оқил вазир бозорни айланаркан, бир йигит қўли қўлига тегмай савдо қилаётганини кўрди. Синчиклаб қаради-да, унинг тижоратида хиёнат борлигини сизди. Ўзини танитмай бозорни назорат қилишда давом этди.

Бироз ўтиб, бояги савдогар йигитнинг олдида қайтиб келаркан: “Ҳорманг, савдолар жуда яхши-ку!” деди. Савдогар йигит: “Аллоҳга шукр”, деди. Унинг кўзларидан маъюсликни пайқаган доно вазир яқинроқ келиб: “Аҳволнингиз қалай, оилангиз тинчми,

фарзандлар нечта?” деб сўради. Йигит тўлиб турган кўнглини бехосдан бўшатиб: “Эй отахон, бир кам дунё деганлари шу бўлса керак-да, савдоларим, кўриб турганингиздек, яхши, бироқ оилам нотинч, хотиним тузалмас дардга чалинган, бир қизим ногирон. Яқинда соппа-соғ юрган ўғлим пастгина жойдан йиқилиб, у ҳам мажруҳ бўлиб қолди, кичик ўғлим эса тинмай йўталади”, деди.

Ташвиши кўплигини билган вазир унга: “Юринг, бозор айланамиз, кўнглингиз бироз ёзилади”, деди-да, ҳалол савдо қилаётган, лекин олдида харидор кам бўлган дўкдор олдида бошлаб борди.

Ундан ҳол-аҳвол сўради. У ҳам Аллоҳга шукр айтиб: “Савдоларимиз, Аллоҳ насиб қилганича яхши бўляпти, оилам тинч, тўрт ўғил, уч қизим бор, ҳаммаси соғу саломат, ўқимишли, онаси ҳам болаларим билан кексайган ота-онам хизматида. Бундан хотиржам, бахтли ҳаёт бўлмаса керак”, деди.

Бироз суҳбатдан сўнг вазир дўкдордан узр сўраб, аввалги савдогарни четга тортди ва: “Эй ўғлим, сиз бу йигитдан ўн баробар кўп савдо қиласиз, аммо тижоратингизда хиёнат бўлгани учун хонадонингизда барака йўқ. Хотинингизнинг ҳам, фарзандларингизнинг ҳам боши касалдан

чиқмайди. Ҳасрату надоматингиз оламга сиғмайди. Бу дўкдор озгина бўлса-да, ҳалол савдо қилади. Шунинг учун ота-онаси, хотин бола-чақалари - ҳаммалари соғ-саломат хотиржамликда яшайди. Мен вазир сифатида сизни огоҳлантираман, тижоратингизда яна хиёнатни кўрсам, сизга қонуний жазо қўллайман, ўйлайманки, кўзингиз очилди”, деб ўзини танитди...

Огоҳ бўлинг, ибрат олинг, азизларим! Диёнат фақат ибодатда эмас, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида бўлиши керак!

Абдулмажид ИСОҚОВ,  
Қўқон шаҳар бош имом-хатиби



## Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг ФАТВОСИ

# Аслиятни бузиб талқин қилаётган бидъатчи тоифалар ҳақида

(Давоми. Бошланиши 10-сонда.)

Ислом таълимотида дини, жони, моли, Ватани ва аҳли оиласи ҳимояси ҳимояси йўлида ўлдирилган киши шаҳид дейилади. Ҳадисларда бирор фалокат туфайли вафот этган киши ҳам шаҳид ҳукмида бўлиши баён этилган. Ҳадиси шарифда бундай дейилади: **“Шаҳидлар – Аллоҳ йўлида қатл қилинган кишидан ташқари ҳам еттидир. Вабо, қорин оғриғи, сувга ғарқ бўлиш, девор остида қолиш, зотилжам (ўпка яллиғланиши), куйиш ва туғуруқдан (ёки ичидаги ҳомиласи билан) вафот этганларни санаб ўтдилар”** (Имом Молик Жобир Ибн Атикдан ривоят қилган).

Молини босқинчи ва қароқчидан ҳимоя қилаётиб ўлдирилган киши ҳам шаҳидлардан саналади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким молини ҳимоя қилиб ўлдирилса, у шаҳиддир”**, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Ёнғинда ўлган киши ҳам шаҳидлардан ҳисобланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шаҳидларни санаган бир ҳадисларида: **“Ёнғин (да ўлган) шаҳиддир”**, деганлар (Имом Молик ривояти).

Шунингдек, дини, жони, аҳли оиласи ҳимоясида ўлдирилган киши ҳам шаҳид саналади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким молини ҳимоя қилиб ўлдирилса, у шаҳиддир. Ким қонини (жонини) ҳимоя қилиб ўлдирилса, у шаҳиддир. Ким динини ҳимоя қилиб ўлдирилса, у шаҳиддир. Ким аҳлини ҳимоя қилиб ўлдирилса, у шаҳиддир”**, деганлар (Имом Аҳмад ривояти).

Ҳозирда баъзи адашган оқимлар “шаҳидлик” тушунчасини жуда тор доирада тушунтирмоқчи бўлишади. Улар бу иборани ўз манфатларига буриб, гўёки киши фақат урушда ўлса, шаҳид бўлади, дейдилар. Ваҳоланки, уларнинг бу ишлари жиҳод эмас, балки катта фитна экани аниқ. Фитнага аралашиб ўлган одам қандай қилиб шаҳид бўлсин?! Тинч-тотув яшаб турган мусулмон давлатда фитна чиқариб, уруш чиқарилса, бу жиҳод саналмайди, унда ўлган инсон асло шаҳид бўлмайди.

Ҳазрат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким номаълум байроқ остида жанг қилса ва у**



**йўлда ўлдирилса, жоҳилият ўлимини топибди”**, деганлар. Яъни, ким номаълум байроқ остида, уни кимнинг қўлида эканини, унинг мақсади қандайлигини билмаган ҳолда жанг қилса ва бу йўлда ўлса, у жоҳилиятда ўлгандек бўлади.

Бугунги кунда, эътибор қилсак, Сурия бўйлаб ҳукумат армияси, мўътадил мусулмонлар, радикал кайфиятдаги “жиҳодчилар”, курд кўнгилли аскарлари, ғарбпараст гуруҳлар ва бундан ташқари, адашган оқим вакиллари ўртасида аёвсиз уруш олиб борилмоқда. Маълумотларга қараганда, бундай қарама-қарши гуруҳларнинг сони юздан ортиқ. Улар орасида ўзаро иттифоқ тузганлари ва умуман, ўз ҳолича кураш олиб бораётганлари ҳам кўп. Ҳар қандай соғлом фикрли инсон ҳеч қачон динини, жонини ва энг муҳими, охиратини бу каби хатарларга қўймайди.

Бундай фитналар урчиган даврда мусулмон инсон ҳушёр бўлиши, ўзини четга олишга буюрилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Албатта, келажакда кўп фитналар бўлади. У вақтда (жим) ўтирувчи тик турувчидан яхши, тик турувчи (фитнага қараб) юрувчидан яхши, юрувчи югурувчидан яхшидир. Ким фитнани кузатиб турса, фитна уни ўзига жалб қилади. Демак, ким бошпана ёки паноҳ бўладиган жой топса, ўшани лозим тутсин!”** (Имом Бухорий ривояти).

Хулоса қилиб айтганда, юқорида зикр этилган “такфир”, “ҳижрат”, “жиҳод” ва “шаҳидлик” масалаларида аслиятни бузиб талқин қилаётган террорчи ташкилотлар вакиллари тарғиботларини эшитиб юрган айрим ёшлар, афсуски, ундай кимсаларнинг гапларига алданиб қолмоқда. Айниқса, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам

ва саҳобалар назарда тутилган оятларни ўзларига тўғридан-тўғри татбиқ этиб, оятдан кўзланган асл маънони ўзгартирмоқда.

Бундай бузғунчи тоифалар ҳозирга қадар дуч келаётган инқирозлар ва мағлубиятларини яшириш учун “Аҳдга вафо қиладиган вақт келди”, “Шаҳид бўладиган давр келди”, “Энди биз ғалаба қозонамиз” каби сохта шиорларни тарқорлашдан нарига ўтмаяпти. Чунки айна дамларда уларга ғаразли мақсадларга эришиш учун “тирик қалқон” жуда ҳам зарур. Алданганлар эса уларга ҳокимиятни эгаллагунча керак.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши куйидагиларни маълум қилади:**

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши “такфир”, “ҳижрат”, “жиҳод” ва “шаҳидлик” каби тушунчаларни аслиятини бузиб талқин қилувчи тоифаларни бидъатчи тоифалар деб ҳисоблайди. Бидъат аҳлининг ҳукми эса оғир гуноҳкорлик саналиб, улар тезда тавба қилишлари, бу йўлдан қайтишлари вожиб бўлади.

Республикаимизда фаолият юритаётган барча расмий масжидларнинг имом-хатиблари жума мавъизалари ва турли тадбирларда ушбу фатвони кенг тарқатсинлар.

Такфир хатарли йўл экани, бу йўл кишини шариатга муҳолиф бўлиш, залолатга кетиш ва мусулмонларнинг қонларини тўкиш, молларини ҳалол санаш, жамиятни парчалаб, пароканда қилиш ва мусулмонларни бирдамлигига путур етказиш каби салбий оқибатлар мутасаддилар томонидан ёшларга тушунтирилсин.

Халқимиз, хусусан, ёшлар ўртасида ғулув – динда чуқур кетишнинг олдини олиш борасида имом-хатиблар маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан маслаҳатлашган ҳолда ўз таклиф ва тавсияларини маҳалла аҳлига тақдим этсинлар.

Мўмин-мусулмонлар бирдамлиги, динимиз мусаффолиги, юртимиз ободлиги йўлида қиладиган хайрли ишларимизда Аллоҳ таоло тавфиқ ва иноятлар ато этсин!

**Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Уламолар кенгаши раиси, муфтий

### Масала

3-бетда

#### 591-ФАТВО

Мийқотлардан фақат эҳром билан ўтилади. Мийқотга яқинлашмасдан олдин эҳромга кириш жоиз. Фақат тақиқланган ишларни қилмаслик шарт бўлади. Агар бу қўлидан келмайдиган бўлса, Мийқотга яқинлашганда эҳромга киргани авло.

“Оламгирия”, “Жавҳара”

#### 592-ФАТВО

Мийқотдан узоқроқ бошқа жойдан ўтишга тўғри келиб қолса, Мийқот тўғрисида келган жойдан бошлаб эҳромга кириш керак. Денгиз орқали Маккага боровчи ҳожилар ҳам Мийқот баробарига келганларида эҳромга киришлари лозим. Агар икки Мийқот оралиғидан ўтишга тўғри келса, Маккадан узоқроғи баробарига келганда эҳромга киргани авлодир.

“Оламгирия”, “Муҳит”,  
“ас-Сирож”

#### 593-ФАТВО

Маккалик ҳожиларнинг ҳаж учун Мийқоти Каъбанинг ҳарамидир. Умра учун эса ҳарамдан ташқарида эҳромга кирилади. “Танъим” деган жой улар учун афзалдир. Бошқа мамлакатлардан Маккага келувчилар хоҳ ибодат учун бўлсин, хоҳ бошқа иш учун бўлсин, Маккага эҳромсиз киришлари жоиз эмас. Агар эҳромсиз кирса, зиммасига ҳаж ёки умра тушади.

“Оламгирия”, “Муҳит”, “Хидоя”

#### 594-ФАТВО

Эҳромга ният билан кириши билан “талбия” (“Лаббайкаллоҳумма лаббайк...”) айтиши керак. Талбия ўрнига тасбеҳ, ҳамд, таҳлил, тамжид каби калималарни айтса, жоиз. Талбияни арабчасига яхши айтолмаса ҳам ўтаверади. Агар бошқа тилда айтса ҳам, жоиз. Лекин арабчаси афзал. Ният, эҳром ва талбия бирга бўлиши шарт.

“Оламгирия”, “Муҳит”,  
“Қозихон”

7-бетда



# Ҳайит намози ҳукми ва шартлари

Ҳайит намози жума намози фарз бўлган кишиларга вожибдир. Фақат хутба ҳайит намозларида суннатдир.

Хутбани ҳайит намозидан аввал ўқиш ёки хутба ўқимасдан ҳайит намозини ўқиш карохат билан жоиздир.

## Ҳайит намозининг мустаҳаблари

1. Ҳайит намози ўқиб бўлингунча таом емаслик.
2. Ғул қилиш.
3. Тишларни мисвок (ёки тиш чўт-каси) билан тозалаш.
4. Хушбўйланиш.
5. Энг чиройли кийимларни кийиш.
6. Учраган ҳар бир инсонга табас-сум билан хушмуомалада бўлиш.
7. Иложи борича кўпроқ садақа бериш.
8. Ҳайит намози ўқиладиган мас-жидга эртароқ ва шахдам қадамлар билан бориш.
9. Бомдод намозини уйига яқин бир масжидда ўқиш.
10. Бундан сўнг пиёда, ҳайит на-мози ўқиладиган масжидга бориш.
11. Иложи бўлса, бошқа бир йўл-дан уйига қайтиш.

Ҳайит намозидан аввал масжид-да, уйда ва намоздан сўнг эса масжидда нафл намоз ўқиш мак-руҳдир.

## Ҳайит намозининг вақти

Ҳайит намозининг вақти куёш-нинг бир ёки икки найза бўйи (уч ё тўрт метр) кўтарилишидан бош-лаб то заволигача бўлган вақтдир.

## Ҳайит намозини ўқиш тартиби

Ҳайит намозига ният қилиб, такбири таҳрима айтилади. Сўнг-ра қўллар боғланиб сано ўқилгач, уч марта такбир айтилади ва ҳар бирида қўллар кўтарилади, би-ринчи ва иккинчи такбирларда қўлни пастга қўйиб юбориб, учин-чисидан сўнг боғланади.

Сўнгра хуфя “Аъзу” ва “Бисмиллаҳ”ни айтгач, жаҳран Фотиҳа ва замсура ўқийди ва руку қилади. Ҳайит намозлари-нинг дастлабки ракатида Аъло сурасини ўқиш мандубдир, ик-кинчи ракатни “Бисмиллаҳ” би-лан бошлаб Фотиҳа ва замсура ўқигач, биринчи ракатда бўлган-нидек, қўлларни кўтарган ҳолда уч марта зиёда такбир айтилади. Учала такбирда ҳам қўллар кўта-рилгач, ёнга туширилади ва тўр-тинчи такбирда рукуга борилади. Намоз ўқиб бўлингач, имом хут-ба ўқийди ва унда фитр садақа-сининг ҳукмини тушунтиради. Ҳа-йит намозини имом билан бирга ўқий олмаган киши (сўнгра) қа-зосини ўқимайди. Ҳайит намо-зини ўқиш бирор узр туфайли,

фақатгина иккинчи кунга кечик-тирилиши мумкин.

## Қурбон ҳайитининг ҳукми

Қурбон ҳайитининг ҳукмлари айнан Рамазон ҳайитининг ҳукм-лари кабидир. Фақат (киши ши-ринлик) ейишни намоздан кейин-га қолдиради ва (масжидга кета-ётганида) йўлда такбирни баланд овоз билан айтади. Имом хутбада қурбонлик ҳукмларини ва ташриқ такбирини тушунтиради. Намоз бирор-бир узр сабабли уч кунга-ча кечиктирилиши мумкин.

## Ташриқ такбирининг ҳукми, муддати ва кимларга вожиб бўлиши

Ташриқ сўзининг луғавий маъ-носи “куёш нурида гўшти қури-тиш” деганидир. Арабларда ҳа-йитнинг биринчи, иккинчи, учин-чи кунлари қурбонлик гўшлари-ни қуришти одат бўлгани учун бу кунларга ташриқ кунлари деб ном берилган. Баъзи олимларга кўра, бу сўзнинг “жарангдор овоз билан такбир айтиш” деган маъноси ҳам бор.

Арафа куни бомдод намозидан бошлаб ҳайитнинг тўртинчи куни аср намозигача (аср намози би-лан биргаликда 23 вақт) ҳар фарз намоз ўқилганидан сўнг, мунфа-рид (якка намоз ўқувчи), жамоат, имом, муқим, мусофир, шахарлик,

қишлоқлик, аёл ва эркак — ҳар бир намозхонга ташриқ такбирини айтиш вожибдир. Бутун Исло-м ўлкаларида фатво шунга кўра-дир.

## Ташриқ такбири

Ташриқ такбири қуйидагича:

“Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, лаа илааҳа илаллоҳу валлоҳу акбар, Ал-лоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд”.

Изоҳ: Пайғамбаримиз соллал-лоҳу алайҳи ва саллам арафа куни бомдод намозиди жамоатга юзла-ниб: «**Шу кунларда сиз айтадиган ва Пайғамбар ҳам айтган энг хайр-ли сўзлар**» Аллоҳу акбар, Аллоҳу ак-бар, лаа илааҳа илаллоҳу валлоҳу акбар, Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд сўзларидир», деганлар.

Ривоятга кўра, ташриқ так-бирининг тарихи бундай: «Ҳаз-рат Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссаломни Аллоҳ учун қурбон қилмоқчи бўлган пайтда бирдан Жаброил алай-ҳиссаломнинг бир кўчқор би-лан тушишлари Иброҳим алай-ҳиссаломни кўрқитади. Жаб-роил алайҳиссалом ерга тушар экан, “Аллоҳу акбар!” дейди-лар. Ўзини қўлга олган Иброҳим алайҳиссалом эса “Аллоҳу ак-бар ва лиллаҳил ҳамд”, деб жа-воб берадилар».

«Нурул изоҳ»

## Ҳикматлар хазинаси

# Саломатлик сизни алдаб қўймасин

Осойиши тан гофилам аз ёди Худо кард,  
Ҳамворийи ин роҳ маро сар ба ҳаво кард.

**Таржимаси:** Танимнинг саломатлиги мени Худонинг ёдидан гофил қилди. Бу йўлнинг текислиги менинг бошимни те-пага қаратиб қўйди.

Инсоннинг тани-жони саломатлиги

кўпинча кибру ғурур қилишга, кеккайишга, бу неъматни бер-ган Зотни ёдга олмасликка сабаб бўлади. Ҳазрат Соиб ҳеч бемор бўлмасдан доим сиҳат-саломат-ликда юрган кишини чуқурлари йўқ текис йўлдан кетаётган ки-шига ўхшатмоқда. Бундай киши

умуман пастга қарамай, тўғрига қараб кетаверади. Балки осмон-га қараб юрса ҳам, қоқилмай-ди. Аллоҳ таоло Ўзини эслатиш, бандасини кибрдан сақлаш учун гоҳ-гоҳида уни беморликларга мубтало қиладики, бу унинг учун айни меҳрибонликдир. Бундай

қилиш билан Аллоҳ таоло бан-дани дунё ва охират ҳалокати-дан сақлаб қолади. Биламизки, йўл ҳодисаларининг кўпроғи-га йўлнинг ўнқир-чўнқирлиги эмас, балки унинг ўта текисли-ги сабаб бўлади (“Мунтахаботи ашъори Соиб”).

Бир куни Жунайд Бағдодий раҳимахуллоҳ бир кишини дор-га осиб қўйилганини кўрдилар. “Бу нима гуноҳ қилган экан?” деб сўрадилар. Одамлар айтдиларки: “Бу одам қароқчи эди. Биринчи бор ўғрилиқ қилганида ўнг қўли кесил-ди. Шунда ҳам ўғрилиқдан қайт-маган эди, чап оёғи кесилди. Шун-ча ишдан кейин ҳам ўғрилиқдан тийилмади. Охири у осилди”. Жу-найд Бағдодий осилиб турган жа-сад ёнига бориб, унинг оёғини кўз-ларига суртиб ўпдилар. Одамлар ҳайратдан: “Бу нима гап?” дея сўра-дилар. У киши айтдиларки: “Мен унинг оёғини эмас, балки унинг нафс-хоҳишига астойдил интили-ши (хислати)ни ўпдим. Бу аҳмоқ уни (мазкур васфни) ёмонлик ва

гуноҳга ишлатибди ва ўринли жазо ҳам олибди. Кошки менда яхши-лик ва ибодат қилишга хоҳиш ана шундай астойдил бўлса эди, деб ўйладим”.

Субҳаналлоҳ! Бу зотларнинг назарлари нақадар ўткир бўлган. Ҳар қандай ҳолда ҳар бир нарсан-нинг ҳадди (чегараси)ни билган-лар. Бунинг хулосаси шуки, Аллоҳ таоло инсоннинг нафсига жойлаб қўйган малакалар (истеъдод ва са-лоҳиятлар) ўз ўрнида мақтовга са-зовор бўлса, ноўрин ишлатилган-нида айнан ўша малака гуноҳга восита бўлади. Уни яхши ишлар-га сарфланса, инсоннинг юксак

тараққийларга эришишига сабаб бўлади. Ҳазрат Имдодуллоҳ Мак-кий раҳимахуллоҳ бундай дер эди-лар: “Разоилнинг изолаеси мақсуд эмас, балки имоласи мақсуддир”. Яъни, қалбдаги разил ишлар то-мон бўлган истакни йўқотиш мақ-сад эмас, балки ўша истакни яхши-ликлар ва ибодат томонга мойил қилиш мақсаддир. Чунки ғазаб, шахват ва шу каби малака ва истак-лар ўз зотида (аслида) ёмонлана-диган нарса эмас. Шахват ҳалолга сарфлансин. Ғазаб қуввати эса шай-тон ҳамда куфр қаршисига ишла-тилсин. Шунда у хислатлар инсон-ни олий даражаларга юксалтиради.

Ҳазрат Румий жуда ҳам гўзал гап айтганлар:

Шаҳвати дунё мисоли гулхана-ст,  
Ки, аз-у ҳаммоми тақво равшана-ст.

Яъни, дунё шахвати мисоли гул-ханга ўхшайди. Чунки у билан тақво ҳаммоми ёнади.

Тақво бир ҳаммом бўлса, биз унда ювиниб, тозаланиб чиқишимиз учун аввало унинг суви иссиқ ҳамда ўзи ёруғ бўлиши лозим. Бу ҳаммомнинг ичини ёриштириб, сувини иситади-ган олов эса шахват оловидир. Инсон ўзидаги шахват деб аталмиш хислат-нинг ёмон қақирқларига хилоф қи-лиш билан тақво соҳибига айланади.

«Мажолиси ҳақимул умма» асаридан  
Ёрқинжон ФОЗИЛОВ таржимаси



# Ишбилий – ветеринария асосчиси

Ибн Аввом Ишбилий ўз даврининг энг буюк олими, қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанининг асосчиси, ўсимлик ва зараркунандаларга қарши кураш бўйича биринчи энциклопедия тузган му- сулмон олими.

Ибн Аввом XII асрнинг охир- ларида гуллаб-яшнаган Севиляда туғилди. Тўлиқ исми Абу Закария Яҳё ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аввом Ишбилий. “Ишбилий” нисба- ти араб тилидан “севилялик” деб таржима қилинади. Олимнинг тар- жимаи ҳоли ҳақида деярли ҳамма маълумот унинг асаридан олинган.

Мутафаккир қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича катта илмий ме- росга эга бўлиб, шу соҳада фаолият юритди ([www.Filaha.org](http://www.Filaha.org)). Шундан маълумки, Ибн Аввом кўп миқдор- даги экинларни етиштириш ва таж- рибалар ўтказиш билан шуғуллан- ди. Шунингдек, ўзидан олдин яша- ган олимларининг қишлоқ хўжали- ги ҳақидаги асарлари билан яхши таниш бўлди (<https://hdf-iq.org> ابن العوام (مبتكر التقويم الزراعي والري بالتنقيط)).

Бинобарин, дунё Ибн Аввом- нинг узумлар етиштириш ҳақидаги “Узумзорни парваришlash ҳақида- ги рисола”, “Ҳақиқатнинг нигоҳи ва усулларнинг ойдинлиги” ва “Анда- лусия қишлоқ хўжалиги” асарлари- дан бошқаларини билмайди. Охир- ги китоб энг машҳурдир. Унда Ан- далусия, Миср, Ироқ ва Мағриб халқлари қишлоқ хўжалиги соҳа- сида тўплаган хулосаларини энцикло- педия кўринишига келтирган (<https://hdf-iq.org> ابن العوام مبتكر التقويم الزراعي (والري بالتنقيط)).

Асар асосан бошқа муаллифлар- нинг китобларидан тузилди. Ибн Аввом асарни ёзишда 112 хил муал- лифларнинг маълумотларини кел- тирди. Иқтибослари қуйидаги умум- лаштирилган натижалар билан таҳ- лил қилинди: жами 1900 га яқин тўғридан-тўғри ва билвосита иқти- бослар. Улардан 615 таси юнон муал- лифларига (катта қисми Кассиан Басс- нинг “Геопоника”сига), 585 таси Яқин Шарқ араб муаллифларига (асосан Ибн Ваҳшийянинг “Набатий қишлоқ хў- жалиги китоби”га), 690 таси эса анда- лусиялик араб муаллифларига (Ибн Бассол, Абул Хайр Ишбилий ёки Ибн Хажжожга) тегишли ([www.Filaha.org](http://www.Filaha.org)).

Рисола икки асосий қисмга бўли- нади. Биринчиси тупроқлар, ўғитлар, сув, боғлар, дарахтлар, мевалар, улар- ни сақлаш ва бошқалар билан боғ- лиқ бўлса, иккинчисиди шудгорлаш, уруғларни танлаш, йил фасллари ва уларнинг вазифалари, ғаллачилик, дуккакли ўсимликлар, хушбўй ўсим- ликлар, ўрим-йиғим, деҳқончилик муҳандислиги, чорвачилик, парран- дачилик ва ветеринария мавзулари- га бағишланган бўлим билан тугайди.

Ибн Аввомнинг рисоласи 585 ўсимликни ўз ичига олди. Унда 50 дан ортиқ турли хил мевали дарахтлар- ни етиштириш, шунингдек, тупроқ ва гўннинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, пайвандлашнинг турли усуллари ҳақида ажойиб ку- затувлар ўрин олган. Ибн Аввом, шу- нингдек, боғдорчилик, сув навлари, суғориш, чорвачилик ва асаларичи- ликни ўрганди, дарахтлар ва тоқлар- нинг кўплаб касалликлари аломатла- рини келтириш билан биргаликда уларни даволаш усуллари ҳақида ҳам батафсил ёритди ([www.Filaha.org](http://www.Filaha.org)).

Ибн Аввомнинг китоби 34 бобга бўлинди. Биринчи 30 таси экинлар

билан, охирги 4 таси чорвачилик би- лан боғлиқ. Китобнинг дастлабки 4 бобида турли хил тупроқ турлари, ўғитлар, суғориш ва боғ планини ре- жалаштириш кетма-кет келтирила- ди. Кейин мевали дарахтларни ўсти- риш, шу жумладан, пайвандлаш, ке- сиш ва ҳоказоларга оид 5 та боб мав- жуд. Кейинги бобларда шудгорлаш, уруғларни танлаш, йил фасллари ва уларнинг вазифалари, дон етишти- риш, дуккакли ўсимликлар, хушбўй ўсимликлар тартиб билан ўрин олди. Чорвачилик бобларида отлар ва қо- рамолларнинг касалликлари ва ши- кастланишлари тўғрисида баҳс юри- тилди ([www.Filaha.org](http://www.Filaha.org)).

Ибн Аввомнинг асари мингдан зиёд саҳифадан иборат қишлоқ хў- жалиги энциклопедияси бўлиб, би- ринчи навбатда бошқа муаллифлар- нинг асарлари тўпламидир.

Европаликлар уни таржима қи- либ, ўзларининг қишлоқ хўжаликла- рида катта фойда олишди. Шунинг учун улар асрлар давомида универ- ситетларида қишлоқ хўжалиги фан- лари талабаларига ўқитишга қа- рор қилганлар. Испан шарқшуноси Банкуэри бу китобни араб тилида испанча таржимаси билан 1803 йил- да нашр қилди. 1865 йилда эса асар француз шарқшуноси Клемент Мол- ле томонидан француз тилига таржи- ма қилиниб, нашр этилди (<https://100inventionsmusulmanes.net>).

Немис шарқшуноси Макс Маер Ибн Аввом асари ҳақида: “Табиий фанлар, айниқса, ботаника бўйича энг яхши араб китобидир”, деб юқо- ри баҳо беради (<https://100inventionmusulmanes.net>).

Манбалар асосида

Мунаввар РУСТАМ қизи тайёрлади.

Ажиб дунё

## Неъматлар нисбий

Кимгадир икки хонали уй сотиб олиш катта бахт бўлса, бошқа би- ров вилла харид қилолмай сиқилиб юради.

Бир фақирнинг қотган нондан ол- ган мазасини қорни тўқ киши дунё- нинг энг тансиқ таомидан тополмайди.

Инсон ҳаётида биринчи марта ар- зон улов харид қилганидаги севинчни

йиллар ўтиб қимматбаҳо машина ол- ганида туймайди.

Шокир инсон доимо шукр қилиш- га сабаб топади. Ношукр инсонга эса, доимо нимадир етмайди.

Орзумдаги маблағ миқдоридан минг баробар кўп сармояли бой би- лан ҳамсухбат бўлдим. Ўзимдан кўра ташвишсиз кўрмадим. Ташвишимиз

деярли бир хил. Фақат мендаги

“бугун фалончи 100 доллар қарзи- ни берармикин” деган ташвишнинг ўрнига, унда “фалон жойдан 100 000 доллар келмаяпти...” деган ташвиш.

“Фалон миқдордаги сармоям бўлсин, менга етади” деган одам- нинг ўшанча миқдорга эга бўлган- дан кейин: “Ана бўлди...” деганини эшитганмисиз?

## Ажойиб дастур

Қаноат – битмас хазина.

Қанчадан-қанча сармоядорлар бор, лекин улар қаноатсизликлари сабабли фақирдирлар!

“Неъмат жиҳатидан ўзингиздан

пастдагиларга қаранг, Мусибат жиҳатидан эса, доим ўзингиздан мусибати кўпроқлар- га қаранг”.

Ҳадиси шарифда келган бу насиҳат биз учун нақадар ажойиб дастур!

Шоолим ШОМАНСУРОВ

Масала

5-бетда

595-ФАТВО

Қора тош икки қўл кафт- ларини қўйиб туриб ўпила- ди. Ўпишда ўқиладиган мах- сус дуони ўқийди. Агар тош- ни ўпишда бировга озор бе- риб қўядиган бўлса, қўллари билан тошни силаб, қўллари- ни ўпади. Бунинг ҳам иложи бўлмаса, ҳассага ўхшаш кал- так учини узоқдан тошга тек- кизиб, шу жойини ўпади. Тош олдида издиҳом катта бўлиб, яқин боришнинг иложи бўл- маса, узоқдан икки қўлининг кафт тарафини тош томон чў- зиб, такбир, таҳлил, ҳамд ва са- лавот айтади.

“Оламгирия”, “Муҳит”, “Фатхул Қадир”

596-ФАТВО

Каъба тавофини тугатгач, Иброҳим алайҳиссалом мақо- ми олдида келиб, икки ракат намоз ўқийди. Агар у ерда одам кўп бўлиб, намоз ўқиш қийин бўлса, масжиднинг хоҳлаган ерига бориб намоз ўқиши мумкин. Бу икки ракат намоз бизнинг мазҳабимиз- да вожиб. Шунинг учун уни масжиднинг ташқарисида бўл- са ҳам, қолдирмай ўқиб олиш керак. Унинг биринчи ракати- га Кафирун сурасини, иккинчи ракатида Ихлос сурасини зам- сура қилиб ўқийди. Намоздан сўнг мақом ортига келиб, ҳо- жатларини сўраб, Аллоҳга ил- тижо қилади.

“Оламгирия”, “Заҳирия”, “Қозихон”

597-ФАТВО

Сафо билан Марва ўртаси- да “саъй” қилиш, яъни етти бор юриб чиқиш тавофдан кейин бўлади. Агар саъйни олдин қил- ган бўлса, тавофдан кейин янги саъй қилади. Сафодан Марва- гача юриши бир марта, Марва- дан Сафогача юриши иккинчи мартагача ўтади. Саъйни Мар- вадан бошласа, Сафогача юриб боргани бир мартага ўтмайди.

“Оламгирия”, “Муҳит”, “Захира”

599-ФАТВО

Каъбани тавоф қилиб тур- ганида ёки Сафо билан Мар- ва ўртасида саъй қилаётгани- да намозга иқомат (такбир) ай- тилиб қолса, дарҳол тавоф ва саъйни тўхтатиб, намозга ке- лади. Жаноза ўқиш учун ҳам саъйни тўхтатиб келади. Жано- задан кейин қолган саъйни да- вом эттиради.

“Оламгирия”, “Фатхул Қадир”

“Минг бир фатво” китобидан





# Мазҳаб уламолари эътиборидаги асар

Муқаддас динимиз аҳкомлари ба-тафсил шарҳланган мўътабар китоблар жуда кўп. Улардан бири “Муъинул муфтий ала жавобил мустафий” асари бўлиб, ҳанафий фикҳидаги эътиборли манбалардан ҳисобланади. Айтиш жоиз, муаллиф — Темиртоший мазҳабнинг машҳур уламоларидан. “Фикҳ” сўзи луғатда “фаҳм қилмоқ”, “англамоқ” каби маъноларда бўлиб, у оддий “фаҳмлаш” эмас, балки чуқур англаш, мукамал ва муфассал тушунишдир. Ушбу китоб айни хусусиятга эгалиги билан алоҳида ажралиб туради.

Аҳамиятли жиҳати, мазкур асарда калом ва фикҳ илмлари-га оид кўплаб масалалар қамраб олинган. Ҳар бир масала бўйича мазҳаб уламоларининг сўзи-га таяниб қисқа ва лўнда жавоб берилган. Ақидавий ва фикҳий илмлар ривожига салмоқли ҳис-са қўшилган.

Асар ҳижрий 975 йилнинг охи-рида ёзиб тугатилган бўлиб, ҳана-фий фикҳида муҳим бўлган асо-сий китобларнинг бир қанчаси-дан фойдаланилган. Ўз навба-тида, Ҳаскафий, Ҳамавий, Ибн Обидин каби улўф фақиҳлар ўз

асарларида ушбу манбадан кў-лаб иқтибослар келтиришган.

“Муъинул муфтий” ўз ичига учта фанни қамраб олади. Бирин-чиси, калом илми бўлиб, асарда ушбу илмнинг хулосаси ва илм талабидаги инсон билиши ло-зим бўлган муфродотлар келти-рилади. Иккинчиси, усул ул фикҳ илмига оид қисмида бу фаннинг муҳим баҳслари акс этган. Учин-чиси — фуруъ, ҳалол ва ҳаром ма-салалари. Бу энг катта қисм бўлиб, китобнинг жавҳари ҳисобланади.

Имоми Аъзам Абу Ҳани-фа раҳматуллоҳи алайҳнинг

таърифига кўра, фикҳ ҳар бир кишининг (албатта, оқилу бо-лиғ мусулмоннинг) ўз фойдаси-га ва зарарига ишлайдиган нар-саларни (албатта, шаръий ҳукм-лардан) билиб олишидир. “Муъ-инул муфтий” асари ҳам шаръий ҳукмлар аниқ ва батафсил ёри-тиб берилгани жиҳатидан дини-миз учун қимматли ва манфаат-ли китоб ҳисобланади.

**Абдулбасир КАМОЛОВ,**

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти 4-курс талабаси

## Тарбия

Заргарлик дўконига юз-кўзидан ҳаяжони сезилиб турган 8—9 ёшлар атрофидаги бола кириб келди. Зар-гар бир харидорга ўз молларини кўр-сатиб, таърифлаш билан машғул эди. Бола катталарнинг суҳбати тугагани кутиши кераклигини билса-да, бир тараддудланди-да, сабри чидамай гап бошлади:

— Амаки, мана бу тошни қаранг. Жуда чиройли, куёш нурларида ял-тирайди. Уни денгиз бўйидан топ-дим. Агар истасангиз, сизга сотишим мумкин.

Заргар болага қаради. Унинг қўл-ларида оддийгина чақмоқ тош бор эди. Тезроқ уни чиқариб юбориб, бой харидорнинг кўнглини олиш учун жа-вобни қисқа қилди.

— Бу оддий чақмоқ тош. Уни ҳеч ким сотиб олмайди. Борақол уйингга...

Бола кўзларини тошга тиккан-ча жовдиради.

— Йўқ-йўқ, сиз уни қўлларингиз-га олиб кўринг. Нури кўзингизни қамаштиради.

Заргарнинг қошлари чимирил-ди. Хаёлидан болани елкасидан тутиб, дўкондан чиқариб юбориш истаги ўтди. Шу пайт гапга хари-дор аралашди:

— Ўғлим, қани тошингни мен бир ушлаб кўрай-чи? Тошни қўли-га олгач, заргарга қараб кўз қис-ди-да, давом этди:

— Мен сиздан истаган қиммат-баҳо тош шу эди.

Кейин болага юзланиб сўради: — Ўғлим, анчадан бери шундай

тошни қидириб юргандим. Уни менга сотасанми?

Бола бош ирғагач, сўради:

— Унинг нархи қанча?

Бола бироз ўйлангач, жавоб берди:

— Отамга бир улов, укам ва мен-га оёқ кийимга етарли пул бўлса, бас!

Заргарнинг қошлари чимирил-ди. Харидор эса аввалгидек хотир-жам эди. Боланинг қўлига бир қоп-чикда ақча берди.

— Менимча, бу уловга ҳам, уст-бошга ҳам, онангга либосга ҳам етади.

Бола севинганича раҳмат ай-та-айта ташқарига отилди. Заргар

эса харидорни огоҳлантирган-намо деди:

— Адашдингиз, қаттиқ адаш-дингиз. Шунча йиллик заргар-ман. Қўлимга олмасдан ҳам бунинг чақмоқ тош — эканини кўриб турибман. Бу ҳеч қандай қийматга эга эмас.

— Аслида сиз адашдингиз. Бу чақмоқ тош — қимматбаҳо. Чунки у шу мурғак боланинг орзулари ушалишига васила бўлди.

Гап нимада эканини тушун-ган заргар бошини эгди.

**Нигора АБДУМУХТОР қизи**

тайёрлади.

## Мактубларда манзаралар

Самарқанд шаҳри Боғибаланд маҳалласида юз ёш билан юзлашган

Зурафо момо Раҳимова умргузаронлик қилади. Момо 1924 йил 11 июнь куни таваллуд топган. У кишининг ёшлиги уруш йилларига тўғри келди. Зурафо момо ўша даврдаги ўзбек халқининг ак-сарият вакиллари каби сабр-матонат, меҳнатсе-варлик каби фазилатлари билан кўпчиликка ўр-нак бўлган.

Зурафо момо умр йўлдоши Мажид бобо Раҳи-мов билан тинч-тотув ҳаёт кечириб, беш ўғилу беш қизни оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказди. Уруш йилларида у фарзандларига ҳам ота, ҳам она бўл-ди. Айниқса, етим-есирлар бошини силаб, уларга ўз фарзандлари қаторида меҳр берди..

Бугун эса онахоннинг тилидан шукрона тушмайди:

— Дориламон даврда яшаяпмиз. Юртимиз

# Юз билан юзлашган онахон

тинч, осмонимиз мусаффо. Оилам даврасида меҳр-мурувват, иззат-икромдан баҳра оляп-ман. Фарзандларим ардоғида бундай эъти-бордан руҳланиб, узокроқ яшагим келади.

Онахоннинг юзларида самимият балқий-ди. Дадил гапиришлари, теран фикрлари онахонни ҳали неча-неча қоракўзларга пан-ду насиҳатлари билан ибрат бўла олишидан далолат беради.

— Зурафо момо маҳалламизнинг фаҳри, — дейди “Самарқанд” газетаси бош муҳарри-ри Баҳодир Раҳмонов, — ўғил-қизларимиз-нинг баркамол инсон бўлиб вояга етиши-га, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда, қолавер-са, қўшни, қуда-андаларга, қайнона-келин

ўртасида аҳилликни мустаҳкамлашда она-хоннинг ҳиссаси катта.

Юз йиллик умри ибратларга тўла Зура-фо момони қишлоқ аҳли ҳурмат билан тил-га олишади.

Мен у кишига ҳурматимни бундай изҳор қилишни хоҳладим:

Ҳаёт гулшанининг бозбони ўзинг,  
Дилларни яйратар, оромбахш сўзинг.  
Меҳрнинг ойнаси мусаффо юзинг,  
Садоқат тимсоли — мўътабар она.

**Ш. МАЪРУФИЙ,**

Самарқанд шаҳри “Чилқудуқ” маҳалласи

### Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нури

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

### Tahrir hay'ati:

Nuriddin XOLIQNAZAROV  
Sodiq TOSHOYEV  
Homidjon ISHMATBEKOV  
Jaloliddin HAMROQULOV  
Obidjon QODIROV  
Uyg'un G'OFUROV  
Muhammadsharif JUMAN  
Xolmat ATABAYEV  
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV  
Hikmatulloh TOSHEMIROV  
Muzaffar KAMOLOV  
Azizbek XOLNAZAROV  
Jamoatchilik kengashi  
Alisher ESHIMOV  
Islomiddin ZUHRIIDINOV  
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.  
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.  
m-nashr@mail.ru  
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195  
ISSN 2091-5225  
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.  
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: Azizbek XOLNAZAROV  
Musahhiha: Zebo OMONOVA  
Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV  
Ekspertizaga berildi: 07.06.2023  
Xulosa (№03-07/4676) olindi: 13.06.2023  
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.670  
227/11-buyurtma.  
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!